

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА
BAZIRLIGINING MARKAZII MATBUOT
ORGANI

● 2004 йил, 8 апрель, пайшанба № 42 (1930).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКISTAN

● Четверг, 8 апреля, 2004 г. № 42 (1930).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Президент Ригага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 апрель куни давлат ташрифи билан Латвия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Латвия Болтиқбўйидаги катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири. — деди Президент. — Латвия иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ўзини анча ўнглаб олган, ислохотларни муваффақиятли амалга ошираётган давлатлардан.

Яқинда НАТОга қабул қилинган, тез орада Европа Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирувчи Латвия энди жаҳон иқтисодиётидаги фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан тўлиқ фойда-

ланиш имкониятига эга бўлди. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Негаки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми Латвия денгиз портлари орқали экспорт қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Латвиянинг дунё бозорига яқинлашгани биз учун ҳам катта имкониятлар эшиги очилишини англатади.

Ўзбекистон Латвия ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Айни пайтда, ўзаро иқтисодий кўрсаткичларимиз 1998 йил билан солиштирилганда олтиши фоизга ошган.

Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятида амалга оширилган террорчилик ҳаракатла-

ри хусусида тўхталиб, жумладан бундай деди:

— Жаҳондаги кўпгина, ҳатто энг етакчи мамлакатлар ҳам ўз тарихида мана шундай ташвишли кунларни бошдан кечирган. Бундай пайтда ўша мамлакатлар халқлари бир тану бир жон бўлиб таҳдидларни бартараф этган, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб юрда осойишталик ва барқарорликни таъминлашга эришган. Демак, ҳамжиҳатлик, бир мушт бўлиб ҳаракат қилишда гап кўп. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизни яна бир бор жипсликка, тинчлигимизни, осойишталигимизни бузмоқчи бўлганларга қарши биргаликда курашга даъват этмоқчиман.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА BAZIRIGA

Қадрили жаноб Вазири,
Мен Сизга, сизнинг халқингизга ва яқинда Тошкентда содир бўлган террорчилик ҳуружлари вақтида ҳаётдан кўз юмган Ўзбекистоннинг jasур милиционерлари ҳамда фуқаролари онларига ўз ҳамдардчилигини изҳор этмоқчиман. Бу воқеалар ҳушёрликнинг ва халқларимиз бирдамлигининг муҳимлигини кўрсатди ҳамда бизнинг терроризмни енгиш борасидаги қатъиятчилигимиз тўғри эканлигини тасдиқлади. Хурмат билан,

Дональд РАМСФЕЛЬД,
АҚШ Мудофаа вазири.

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКISTON!



Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фазлиддин Қўзиёев парашют билан сакрашда анча тажрибали посбонлар сирасига киради. Ҳозирги кўрсаткичи — 27 та. Гуруҳ командири лейтенант Бобур Мирзалиевнинг ўринбосари бўлмиш кичик сержант ҳар томонлама етуқ жангчи, ҳақиқий профессионал бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Александр МРУЧАК олган сурат.

Ислом Каримовнинг Латвия сафари

РИГА. 7 апрель. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланди. Рига қасрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Қасрда икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Вайра Вике Фрейберганинг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бў-

лишини таъкидлаб, бу борада орттирилган тажриба ҳамкорликка янги суръат бериш ва мазмунини бойитиш учун яхши имконият эканлигини қайд этдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва

бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокаралар самарали ўтганини, томонлар мулоқотдан тўла қониқиб ҳосил қилганини, муҳокама этилган халқаро масалаларга нисбатан ёндашув ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидладилар.

Ислом Каримов Вайра Вике Фрейберга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига ташриф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Халқаро мукофотлар жамағатининг «Муъжизакор Николай» ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг Латвияга давлат ташрифи давом этмоқда.

Болтиқ соҳилидаги ишончли шерик

Бугун (7 апрель) Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Латвия Республикаси Президенти Вайра Вике-Фрейберга таклифига биноан Латвияга давлат ташрифи бошланади.

Давлатимиз раҳбари Латвияга иккинчи марта ташрифини амалга ошираётган бўлса-да, Латвия томони ун-

га бу гал ҳам халқаро протокол доирасида кам учрайдиган давлат мақомини бермоқда. Дипломатик тажриба бундай ҳолатларни юксак меҳмон ва у раҳбарлик қила- (Давоми 2-бетда).

● АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 668 ЙИЛЛИГИГА

Мардлик ва буюклик тимсоли

Ўзбек халқининг номини дунёга танитган, жаҳон тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган улуг сиймолар кўп. Соҳибқирон Амир Темур ана шу сафда биринчилар қаторидан жой олган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг улуг бобомиз даҳосига ҳаққоний ёндашиш имкони пайдо бўлди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол

шарофати билан ўз ватанига қайтди».

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Улуг бобомизнинг таваллуд кунин олдиан Халқаро Амир Темур жамағатимиз бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИ билан суҳбатлашдик.

— Дунё тарихида жаҳонгирлар кўп ўтган. Улар орасида бунёдкорлик ва сиёсатдонлик салоҳияти бўйича ўзбек саркардасининг мавқеи қанчалик баланд эканлигини дунё тан олган. Амир Темур қайси юртни забт этмасин, у ерда адолат ўрнатган, илм-

фан ривожига катта ҳисса қўшган, шунинг баробарида қурилиш, ободончилик ишларига алоҳида эътибор берган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларимизда қад кўтарган тарихий обидаларнинг асосий қисми Темур ва темурийлар даврида бунёд этилганини ях-

ши биламиз. Айни пайтда ул зотнинг ва авлодларининг ташаббуси билан қурилган осори-атиқалар, бугунги кунда Марказий Осиё, Эрон, Хиндистон ва Афғонистондаги кўплаб шаҳарларда савлат тўкиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

● ЕШ ОФИЦЕРЛАР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Хизматлари таҳсинга сазовор

«...ҳарбий ислохотлар ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни назарда тутди. Бу ҳарбий хизматчиларимизда Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатини, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қарагилиши лозим...»

Ислом КАРИМОВ.

Юртимиз мустақилликка эришганига кўп бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа даврда мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Мамлакат мустақил бўлгач, унинг мустақиллигини мустаҳкам тутиб турувчи, сарҳадлари

дахлсизлигини муносиб ҳимоя қилувчи қудратли армияси ҳам бўлиши зарурдир. Қурулли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг талаби ҳам замонавий қурул-яроғ ва техника (Давоми 2-бетда).

13 АПРЕЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.40 Газеталар шархи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

17.20 «Луиза Фернандас»
17.45 «Табриклаймиз — кутлаймиз»
17.55 «Международные новости».

17.20 «Шутка за шуткой»
17.50 «Клон»
18.50 «Стирка на миллион»
19.00 «Евлаймия Романова: Следствие велит летать».

24.00 «Истории о привидениях»
00.30 «Спецназ: Операция «Возмездие»»
2.30 «Великие иллюзии. История фокуса».

18 АПРЕЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «Камалат»
10.00 «Ватанамизга хизмат қиламан».

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» хафта ичда.
22.30 «Хизматдаги шерик».

16.00 Живая природа. «Тайная жизнь выдр»
17.00 Времена.
18.00 «Смешные люди».

5.30 «Доктор Айболит»
6.40 «Ну, погоди!»
7.00 «11.00. Сегодня»
15.00 «Сегодня».

7.00 9.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
7.30 «Мунаввар Тон»
8.30 «Янги авлод» студияси.

9.00 «Детский спорт»
9.15 «Молодцы»
9.35 «Игры народов мира»
10.05 Легендарные футболисты: «Фламенго и Васко Да Гама».

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45 «Небо и земля»
6.50 «Короткое замыкание».

8.00 «Денис-непоседа»
8.25 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры в космосе»
8.50 «Супершоу братьев Марво».

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар Тон»
8.30 «Янги авлод» студияси.
9.00 «Давр-репортаж».

5.00, 9.00 Новости
5.20 Приключенческий фильм «Прерия».

7.30 «Жизнь в слове»
8.00 «Урагачники»
8.30 «Мистер Бам».

9.25 «Коты-самураи»
9.50 «Вуншпунши»
10.15 «Витлборги»
10.40 «Симпсоны».

● КУРАШ

**АФРИКАДА
КУРАШ БАЙРАМИ**

Халқимизнинг миллий қадриятларидан саналган кураш халқаро спорт турига айланганига атиги беш йил бўлди. Аммо шу қисқа давр ичида бу беллашув дунёни забт этди. Ҳар йили кураш бўйича дунёнинг олтиншидан зиёд мамлакатда ички биринчиликлар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда нуфузли халқаро турнирлар мунтазам ўтказилмоқда. «Таъзим», «кураш», «ғўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «ҳалол» каби ўзбекча сўзлар нуфузли мусобақаларда баралла янграмоқда.

Кураш Халқаро Ассоциацияси (КХА) матбуот хизматида УЗА муҳбирига хабар беришларича, Марокашнинг Касабланка шаҳрида кураш бўйича IV Африка чемпионати муваффақиятли яқунланган. Унда «қора қитъа»нинг Тунис, Жазоир, Камерун, Буркина-Фасо, Кот-д'Ивуар, Жанубий Африка Республикаси, Ангола, Маврикий, Конго, Ливия, Сенегал каби мамлакатларидан келган полвонлар Африка чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлиш учун тилламга чиқди.

Эркаклар ўртасида 60 килограмм вазн тоифасида финалда икки марокашлик спортчи йўлланма олди. Олтин медаль учун кечган асосий учрашувда Набил Бенумар ҳамюрти Бадр Руанга ютқазиб қўйди. Сенегаллик Билал Фофана ва Кот-д'Ивуар вакили Гбатте Дежа ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Кот-д'Ивуардан келган спортчилар орасида Оливер Мондоучо 73 килограммлик спортчилар баҳсида ЖАР полвони Мэтью Жагони мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади. Бронза медаллари мезбонлардан Муҳсин Сенсаг ва Рашид Ргитта насиб қилди.

Оғирлиги 81 килограмм бўлган полвонлар баҳсида олтин ва кумуш медалларга Жанубий Африка Республикаси курашчилари — Франсуа Френч ҳамда Мэтью Жаго эришди. Марокашлик Муҳаммад Тир билан Юсуф Алоуий ҳам бронза медалига сазовор бўлди.

Чемпионатнинг энг кескин ва муросасиз беллашувлари 100 килограмм ҳамда мунтазам ўртасида кечди. 100 килограмм тош босадиган Жастин Гусен (ЖАР) сўнгги баҳсида мезбонларнинг ишонган полвони Ториқ Бензароилни мағлубиятга учратди. Сенегаллик Ндиасе Барра ва нигерлик Ҳабиб Амуса Аделакун бронза медал билан тақдирланди.

Энг оғир курашчилар ўртасида нигерлик Ҳабиб Амуса Аделакун Ндиасе Баррани (Сенегал) енгиб чемпионатдаги бронза медали ёнига олтинчи қўшиб қўйди. Мезбонлардан Ториқ Бензароил ва Мустафо Фараҳга бронза медал топширилди.

Африка чемпионатида аёллар уч вазн тоифасида тилламга чиқди. Хортанс Дайдио, Фаита Кейта (инкаласи ҳам Сенегал) ҳамда Фотима Антонина Морейра (Ангола) қитъа чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, IV қитъа чемпионати доирасида Африка кураш ассоциациясининг навбатдаги конгресси бўлди. Унда Африка дзюдо федерацияси президенти, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Лессано Паленфо (Кот-д'Ивуар) қитъа кураш ассоциациясининг фахрий президенти этиб сайланди.

**Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
УЗА шарҳловчиси.**

● ТЕЛЕАНОНС

**«ВАТАНИМГА
ХИЗМАТ
КИЛАМАН»**

18 апреля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военного патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этой передаче тележурналисты Военной студии готовят репортажи с контрольных занятий, где воины-узбекистанцы предъявляют строгим экзаменаторам практические навыки владения своими воинскими специальностями. Авторы познакомят также с ходом весенней призывной кампании. Вы увидите и видеоряд сюжетов в постоянных рубриках передачи.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 20 апреля, в 16.55.


Наш. корр.

**ОТВЕТЫ
НА КРОССВОРД,
ОПУБЛИКОВАННЫЙ
В № 39**

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Астроном. 4. Бумеранг. 9. Крап. 10. Клей. 11. Камикадзе. 14. Имаго. 17. Форум. 18. Трактор. 19. Кентавр. 20. Аграрий. 24. Адвокат. 25. Полив. 26. Океан. 30. Мороженое. 32. Дыра. 33. Уран. 34. Якобинец. 35. Запашник.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Аскетизм. 2. Трал. 3. Наказ. 5. Морзе. 6. Алла. 7. Гайдамак. 8. Накатка. 12. Агрономия. 13. Рокировка. 15. Бравада. 16. Возглас. 21. Рапсодия. 22. Дорожка. 23. Чиновник. 27. Коран. 28. Холоп. 29. Ярмо. 31. Иран.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Чрезмерное напряжение, уси- 11. Полосатый полоскун. 12. Состояние полного безразличия. 13. Доктор, никогда не спрашивающий у больного, на что тот жалуется. 14. Вооруженные Силы ФРГ. 18. Летчик. 19. Чудовищная змея, убитая Гераклом. 22. Опера Ж. Бизе. 25. Они иногда «поют романсы». 26. Наставник Маугли. 27. Сахар кубиками. 31. Состав, наносимый на холст. 32. Каждый из участников марафона. 35. Она «уходит» иногда в пятки.

ПО ДУГАМ: 2. Оборотная сторона монеты. 6. Драгоценный камень. 33. Небольшая морская рыба. 36. Условное обозначение предмета.

Составила З. ИСАКОВА.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Хорошее качество человека. 3. Апартаменты отеля. 4. Ручное орудие труда. 5. Антипод пассива. 7. «Одежда» рыбки.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Не стоит торопиться событиями, и тогда они в благодарности за долгое терпение порадуют. Степень их благодарности может оказаться фактически безграничной. Во вторник вечером близкие люди будут нуждаться в вашей поддержке. В среду умение общаться с коллегами по работе может принести расположение начальства.

ТЕЛЕЦ. Идут неотложные разборки с делами текущими. Лишь закончив с рутинной, берите курс на создание нового бизнеса. Возможно, в ваше окружение прокрался предатель, его стоит методично выследить и обезвредить. Будьте особенно внимательны в понедельник и вторник, интуиция может подвести, а так же недостаточная информированность и незнание всех тонкостей сложившейся ситуации.

БЛИЗНЕЦЫ. Проявите осторожность в профессиональной деятельности. Стоит сначала все продумать, а потом действовать. Не торопитесь принимать предложения, кажущиеся безусловно выгодными. Позже выявятся некоторые неучтенные нюансы. Прежде чем принять какое-либо решение, необходимо все хорошенько взвесить. Всея благоприятно для людей, избравших литературную дея-

тельность.
РАК. Социальный статус достаточно прочен. В середине недели понадобятся поддержка покровителей. Обращаясь с просьбой, проявите дипломатию и такт. Постарайтесь быть гибче при обсуждении деловых вопросов с начальством, не настаивайте на своей точке зрения. Внимательно следите за тем, что происходит вокруг. Не отказывайтесь от новых идей.

ЛЕВ. Чтобы избежать осложнений в различных сферах, желательно заняться повседневными текущими делами. Постарайтесь составить реальный план на всю неделю. Вторник обещает быть несколько унылым. Постарайтесь не впадать в депрессию, гоните от себя прочь тоскливые мысли. Умение найти общий язык с разными людьми может принести прибыль.

ДЕВА. Уделите особое внимание общению с нужными и влиятельными людьми. Может порадовать неожиданное признание профессиональных услуг. Понедельник — удачный день для реализации новых возможностей. В четверг и пятницу уверенность в собственных силах сделает все за вас. Стоит пересмотреть свою стратегию отношений с родственниками.

ВЕСЫ. Продуманность в действиях пойдет на пользу карьеры. Нетрадиционный подход поможет при решении творческих идей, замыслов и планов. Привести в порядок дела будет нелегко. Лучше не рассматривать деловые предложения. Возможны короткие поездки. Запланируйте на выходные дни что-то необычное и оригинальное.

СКОРПИОН. Незбежны изменения как в режиме работы, так и в образе жизни. Будьте скромнее, умейте довольствоваться малым. Рискуете подорвать свой деловой авторитет и стать объектом выражения претензий, не всегда справедливых. Остерегайтесь обмана и финансовых потерь. Ради вашего хорошего настроения близкие люди будут готовы совершить подвиг.

СТРЕЛЕЦ. Сможете добиться многого, если не поленились пошевелить мозгами. Будет благоприятная возможность измениться в лучшую сторону. Возможны неожиданные встречи и знакомства. Будьте общительны, вы должны быть на виду. Не доверяйте слухам, иначе собственноручно разрушите отношения с родственниками. Преодолеете все возникшие на пути трудности самостоятельно. Получите важную новость, которая может пе-

ревернуть всю жизнь.

КОЗЕРОГ. Может возникнуть чувство ностальгии, постарайтесь не предаваться унынию. Приятно удивит возможность заработать или поменять работу на более высокооплачиваемую. Будьте смелее в общении с теми, кто причиняет всякие неприятности, пора отказаться от сомнений и неуверенности и смело продвигаться вперед к цели.

ВОДОЛЕЙ. Следует внимательно присматриваться к тому, с кем приходится иметь дело. Особенно это важно заключающим сделки. Во второй половине недели наступит благоприятное время для укрепления и стабилизации вашего положения. Возможно, исполнится заветное желание. Понедельник может оказаться классически тяжелым днем.

РЫБЫ. Не стесняйтесь продвигать стоящие идеи, но помните о необходимости их защищать. Хороший период для работы с документами. Информированность, активность и инициатива могут сделать влиятельной и сильной личностью. Особенно благоприятными днями могут оказаться четверг и пятница. В конце недели может исполниться заветное желание. Рассчитывайте только на свои силы.

**Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ**

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.

Буюртма № 0116.